Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиганларида икки қўлларининг орасини шундай очардиларки, ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринар эди

Абдуллоҳ ибн Молик ибн Буҳайна разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиганларида икки қўлларининг орасини шундай очардиларки, ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринар эди».
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилганларида икки қўлларини (ёнларидан) узоқлаштирар эдилар. Сажда пайтида ҳар бир қўлларини ўзига яқин бўлган ён тарафдан худди икки қанот каби четга сурардилар-ки, ҳатто қўлтиқлари терисининг ранги (оқлиги) кўриниб турарди. Бу — икки билакни икки ёндан узоқлаштириш ва кенг очишда жиддий ҳаракат қилиш (муболаға) маъносини англатади.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3220